

Шаъбон ойи муборак бўлсин



11:48 / 21.02.2023 1450

Эзгу амаллар қилиш учун имкон бериб, шаъбон ойига етказган Аллоҳ таолога беҳисоб шукрлар бўлсин.

Шаъбон — улуғ ва фазилатли ой экани ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

«Аллоҳ таоло ўн икки ой ичидан Ражаб ойини ўзи учун танлаб олган. Шунинг учун **«Аллоҳнинг ойи»** дейилади. Ким бу ойни улуғлаб, ҳурматини жойига келтирса, Аллоҳ таоло уни жаннати наимга киритиб, яна Ўз розилигини ато этади. Шаъбон ойи **«Расулulloҳ ойи»** ҳам дейилади. Ким бу ойни улуғлаб, ҳурматини бажо келтирса, Қиёмат куни унга жаннатдан жойни ўзим тайёрлаб тураман. Рамазон ойи эса **«Умнатларим ойи»дир. Ким бу ойни улуғлаб, ҳурматини жойига қўйса, гуноҳлардан ўзини тийса, кундуз рўзадор, кечалари бедор, бировларга беозор ҳолда рўза ойини тамомласа, барча гуноҳлари мағфират қилинади».**

Имом Байҳақий ривояти.

Аллоҳим, шаъбон ойининг кунларини қалбларга ҳузур-ҳаловат, айбларга тўсиқ, гуноҳларга барҳам ва ғам-аламга кушойиш қил!

Аллоҳим бизларга шаъбон ойида барака бергин ва Рамазон ойига саломат етказгин!